

# Хабар

7  
(1013)-son

17-fevral


www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

"Ўзбектелеком" АКнинг

## Дата Марказидан янги лойиҳалар




Интернет аллақачон нихоятда зарурий хизмат турига айланиб бўлган. Иши, ўқиши интернетга боғлиқ бўлган, умуман, глобал тармоқ аъъосига айланган ҳар бир киши усиз бир кунни ўтказишга ҳам қийналади.

Интернет хизматларини кўрсатувчи провайдерлар, хостингни таклиф этувчи Дата Марказлар ўз мижозлари сафини кенгайтириш мақсадида турли лойиҳаларни тақдим этиши одатий ҳолатга айланган. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Бизнесни Ривожлантириш Маркази" филиали қошидаги "Дата Марказ хизмати" ҳам ўз ресурсларини тақдим эта бошлади. Маъқур Дата Марказ 2010 йилнинг 1 июлида синов тартибида ишга туширилганди. Ҳозирда миллий ресурсларни ривожлантириш бўйича виртуал сервер, IPTV, аудио-видео порталлар, домен номлари хизмати, хостинг хизматларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Дата Марказнинг янги веб-сайти — [www.uzdc.uz](http://www.uzdc.uz) фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу сайт доирасида бир неча лойиҳалар ишлаб чиқилиб, интернет-фойдаланувчилар эътиборига тақдим қилинмоқда.

5-бет

### Сўнги янгилик!

Калифорния университети (Сан-Диего) олимлари ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникациялар соҳасида қўллашга яроқли энг кичик лазер яратишди. Бу ҳақда Nature илмий журнали хабар тарқатди. Маълум қилинишича, янги ишланма оддий хона хароратида ва одатдаги атмосфера босими остида ишлайди.



Митти лазер ўзи ҳосил қилувчи ёруғлик тўлкинидан 15 баравар кичик бўлгани боис, келгусида унинг асосида квант процессорлар ва телекоммуникация қурилмалари, оптик технологияларга асосланган қудратли компютерлар яшаш мумкин бўлади.

Алоқа оламида

### Ушбу сонда:

Эътироф	2
2011 йил якунлари муҳокамаси	3
Kodak инқироздан чиқа оладими?	4
Глобализация информационного пространства и духовность молодежи	6
Компютер билан юзма-юз	11
Алоқачилар ижодидан	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида 10 феврал куни Оксаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисида Ҳомийлик кенгашининг 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Ўтган йили 214 объект, жумладан, 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусиқа ва санъат мактаблари курилиб фойдаланишга топширилди. Мазкур жамғарма тузилгандан буён эса 1400дан зиёд замонавий болалар спорт объектлари фойдаланишга топширилган.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудига 571 йил тўлиши муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат, маданият соҳаси вакиллари, талаба ёшлар иштирок этди. Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг актёрлари томонидан буюк шоирнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидан парчалар ўқилди. Алишер Навоий хайкали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида "Тадбиркорлик — мустақкам оила пойдевори" мавзусида бизнес-форум ўтказилди. Мазкур анжуманлар якунида аҳоли даромадларини ошириш ва оилалар фаровонлигини таъминлашда халқаро молия ташкилотлари, мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда бажариладиган ишлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг Люксембург Буюк Герцоглигидаги элчиси (қароргоҳи Брюсселда) Бахтиёр Ғуломов Люксембург Буюк Герцоги Анрига ишонч ёрлигини топширди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Люксембург Буюк Герцоглиги ўртасида сийёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг, шунингдек, ўзаро маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Тошкент шаҳридаги Сигапур менежментни ривожлантириш институтида малака мутахассислар тайёрлаш масаласи, ҳусусан, туризм ва мехмонхона бошқаруви соҳаси истиқболларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир давомида талабалар меҳмонларни институтининг ўқув лабораторияси шарт-шароитлари билан яқиндан таништирилди.



16-17.02.2012, TOSHIKENT

# ЭЪТИРОФ

Ўзбекистоннинг таълим соҳасида танлаган йўли хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда



## 1991-2003 йилларда

республикаларимизнинг барча ҳудудларида 1 млн. 893 минг ўқувчиға мўлжалланган умумтаълим мактаблари ҳамда 152,8 минг ўринға мўлжалланган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжуд илм масканларини таъмирлаш ишлари амалға оширилди.



## 2004-2011 йилларда 125,3 минг ўқувчиға

мўлжалланган 379та янги мактаб биноси қурилди, 897,2 минг ўқувчи ўринли 2622та мактаб биноси ва улардаги муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мукамал реконструкция қилинди. 2 млн. 129,2 минг ўқувчиға мўлжалланган 3759та мактабнинг бино ва иншоотлари мукамал, 1 млн. 123,5 минг ўқувчиға мўлжалланган 2072та мактаб жорий таъмирлашдан чиқарилди. Шу тариқа атиги етти йил ичида 4 млн. 275,2 минг ўқувчи ўринли 8832та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

## Анжуман иштирокчилари дейдиларки:

**Валерий НИКИФОРОВ,**  
Болтиқ халқаро академияси бошқаруви раиси,  
Болтиқ психология ва менежмент институти сенатининг раиси (Латвия):

— Биз Ўзбекистондаги тегишли вазирлик ва идоралар, олий ўқув юрглари билан таълим соҳасининг банк-молия йўналишида бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келямиз. Юртингида таълим соҳасида ўтказиладиган қўрғазмаларда мунтазам иштирок этамиз. Таъкидлаш жоизки, мамлакатиниғизда ёшлар таълими ва тарбиясига берилаётган эътибор ва ўз ўрнида Ўзбекистон ёшларининг бу икониётлардан унумли фойдаланаётгани тахсинға сазовор.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалға оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Хар қандай мамлакатнинг тараққиётини таъминлаш, аввало, етук малакаға эға кадрларға боғлиқ. Ўзбекистонда бу вазифа муваффақиятли хал этилмоқда.

**Азamat Ҳаёт ХОН,**  
Пешавор университети ректори (Покистон):

— Мамлакатиниғиз раҳбари Ислам Каримовнинг таълим соҳаси ривожини, ёшлар таълим-тарбиясига қаратаётган улкан эътиборини мазкур халқаро конференция мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, хар қандай давлатнинг давке ундаги таълим тизимининг қай даражада тараққий этаётгани ҳамда унинг сифати халқаро стандартларға қанчалик мувофиқлигиға ҳам боғлиқ. Ўзбекистонда бу борада амалға оширилган ишлар бераётган юксак самараларни, тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш бошқа мамлакатлар учун ҳам жуда фойдали бўлади. Мамлакатиниғизда жорий этилган 12 йиллик мажбурий-беул, узлуксиз таълим касб-хунарға йўналтирилганлиги ва ўқувчиларнинг қизиқиши асосида амалға оширилаётгани ўз самараларини бераётир. Ўзбекистонда ёшларға қаратаилаётган эътибор ва ғамхўрликка, таълим соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларға ҳавас қилса арзийди.

✓ 1991 йилда республикаларимиз бўйича мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланганлик кўрсаткичи атиги 55,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилға келиб ушбу рақам 99,4 фоизға етказилди.

✓ Юртимизда хар йили биринчи синф ўқувчиларига 12 хил ўқув қуроллари ва барча дарсликларни Президент совғаси сифатида тақдим этиш анъана тусиға кирган.

# 2011 йил якунлари муҳокамаси

Яқинда "Ўзбектелеком" АК акциядорлик компанияси Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2011 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва компания бизнес-режасининг бажарилиши ҳамда Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида 2011 йил компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақида "Ўзбектелеком" АК бош директори М.Махмудовнинг хисоботи тинглади.

Компания фаол маркетинг стратегияси ўтказиши натижасида барча хизмат турлари бўйича даромадлар 4 518,4 млн. сўмини ташкил этди ва 126 фоизга, xDSL ва FTTx технологиялари бўйича KPU абонентлари умумий сони 72 586 нафарни ташкил этиб, 181 фоизга ўсди.

2011 йилда "Ўзбектелеком" АК томонидан компания тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан:

- Умумий узунлиги 950 км. масофани ташкил этувчи ОТАЛ қурилиши бўйича Ҳукумат топшириғига мувофиқ, умумий узунлиги 1 174 км. масофали ОТАЛ қурилди;
- Халқаро каналнинг ўтказиш қобилияти 4 баробарга оширилди;
- Интернет хизматлари фойдаланувчилари сонини икки баробар ошириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК тармоғи сизими 107 684 портгача кенгайтирилди, абонентлар сони эса 74 355 абонентни ташкил этди;
- 2011 йилда "Электрон таълим" миллий тармоғини қуриш бўйича лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилди. Умумий узунлиги 223 км. ОТАЛ қурилиши бўйича ишлар амалга оширилди, Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ таълим муассасаларининг 80та объектида ускуналар ўрнатилди ва ишга туширилди;
- "ЎзМобайл" филиали CDMA 450 стандарти мобил алоқа фойдаланувчилари сони 1,84 марта ошиб, 94 110 абонентни ташкил этди;
- Республиканинг барча минтақалари бўйича Ягона ойна тамойили бўйича ишлайдиган "Ўзбектелеком" АК замонавий 50та операторлик пунктлари жиҳозланиб ишга туширилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга инвестициялар дастури тўғрисида"ги Фармони бажариш баробарида, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси:

- NGN янги авлод тармоғи асосида "Ўзбектелеком" АК маҳаллий телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва кенгайтириш;
- "ЎзМобайл" филиали мобил алоқасини модернизациялаш ва кенгайтириш;
- NGN янги авлод тармоғи асосида Халқаро коммутация марказини модернизациялаш ва кенгайтириш;
- Пакетли коммутация Халқаро марказини модернизациялаш ва кенгайтириш;
- Бойсун-Денов йўналишида ОТАЛ қурилиши;
- Ургут-Шахрисабз йўналишида ОТАЛ қурилиши каби бта инвестиция лойиҳасини амалга оширади.

Кун тартибдаги бошқа масалалар бўйича бош директор ўринбосарлари, компания департаментлари ва бўлим раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Кузатув кенгаши мажлисида 2011 йил якунлари бўйича

компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи қабул қилинди. Мажлисида Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи бошқа масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Uztelecom.uz

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали почта алоқаси технологиялари бўлимида хамиша иш қайнайд. Бўлим мутахассислари билан суҳбатлар гоятда мароқли кечди.

Филиалнинг корпоратив компютер тармоғи орқали электрон маълумотлар алмашинуви амалга оширилаётганига, мана, тўрт йилдан ошиб, электрон пул ўтказмалари тизими хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Тизимга филиалнинг барча шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари боғланган. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун парол химояси ва ахборот хавфсизлиги сервери қўлланилиб, унга Firewall хизмати ва тармоқ ҳужумларини аниқловчи автоматлаштирилган тизим ўрнатилган. Тармоқда ESET антивируснинг вирусга қарши (антивирус) дастури NOD-32 ишлатилмоқда. Электрон пул ўтказмалари ва пул тўловларини қабул қилиш тизимларида электрон рақамли имзо калитлари қўлланилади. Калитлардан Е-ХАТ, Е-Нижатда фойдаланувчи оператор ва назоратчилар фойдаланмоқда. Улар сони айни кунда 130 нафардан ортди.

Почта алоқаси объекти қошида очилган иккита интернет-кафеда интернет, электрон почта ва бошқа замонавий хизмат турлари кўрсатиб келинмоқда. Қувасой почта алоқаси тармоғида ҳамкорликда янги интернет-кафе очилди. Умуман олганда, филиалда 233та компютер ишлаб турибди.

Барча почта алоқаси тармоқларида ОАТ "Алоқабанк" ва бошқа банклар билан ҳамкорликда ўрнатилган 150дан ортқ пластик карточка терминаллари орқали аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Ходимларнинг малакасини ошириб бориш доимо эътиборда. 2011 йилнинг

апрел-май ойларида Андижон ва Наманган филиаллари саралаш бўлими ва почта алмашинув маскани ходимларининг рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари назорати тизимида ишлаш бўйича малакалари оширилди.

Ана шу назорат тизимига Фарғона ва Қўқон почта алмашинув масканлари ва почта алоқаси тармоқларидаги жами 21та саралаш участкаларида жўнатмалар киритиб боририлмоқда. Эндиликда фойда-

ланувчилар жўнатмалар ўтишини жўнатмаларнинг махсус штрих-кодлари орқали www.fergana-pochta.uz веб-сайтнинг рўйхатга олинган почта жўнатмаларини кидириш бўлими орқали маълумот олишлари мумкин. Бундан ташқари, филиалнинг расмий веб-сайти (www.fergana-pochta.uz) орқали почта соҳаси бўйича маълумотлар ва янгиликлар ёритиб боририлмоқда. Почта индекслари; почта хизмати тарифлари; рўйхатга олинувчи халқаро кирувчи почта жўнатмалари ҳақида интернет орқали маълумот олиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бўлим мутахассислари почта жўнатмаларида юборилиши тақиқланган буюмларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтишди. Фарғона ва Қўқон почта алмашув масканлари янги рентген телевизион қурилмала-



## Эзгулик билан яқдилликда

ри, иккитадан металл детекторлар ва дозиметрлар билан таъминланган.

Филиал етакчи мутахассиси Дилмуроджон Жўраев почта алоқаси технологиялари автоматлаштириш бўлими ишларини юқори аниқликда ташкил этишга интилади. Операторларнинг билими ва малакаларини ошириб боришга масъул. Водий вилоятлари филиаллари ходимларига ҳам рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари назорати бўйича сабоқ берди.

Хозирда ахборот технологияларини тушулмаган, тушунишни истамаган одам ҳеч қайси соҳада муваффақият қозонмайди. Айнисса, алоқа соҳасида. Замондан ортда қолмай ўз вазифасини виждонан бажарган эса ўз жамоасининг ҳам, элу юртнинг ҳам меҳрини қозонади. Шундай мутахассислар филиалда қўллаб топилади. Кува почта алоқаси тармоғи амалиёт зали бошлиғи Акбарали Адилов, Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи сараловчиси Шахло Дадажонов, Риштон почта алоқаси тармоғи сараловчиси Хуршида Султоновалар ана шундайлар сирасидандир. Бўлим бугунги кун талабларини ақли

билан англаб эзгу ишларга қилишга қодир ёш йигитлардан ташкил топган. Ҳаммаси олий маълумотли. Бунёдгон Дадабоев ТАТУни тугаллаб, филиалда иш бошлаганига уч йилдан ошиб қолди. Журъат ва шижоат билан ишлайди. Чунки касбга муҳаббати кучли. Устози Дилмуроджон ёрдамида соҳада ишлаш сир-асрорларини ўрганди.

ТАТУ Фарғона филиалида таҳсил олган Ойбек Қодировнинг бўлимида иш бошлаганига хали бир йил ҳам бўлгани йўқ. "Дастлаб ишга келган куним жуда севиндим. Давр талаблари даражасида ишлаш учун барча шароитлар бор экан. Агар яхши устоз ҳамда кишида ўзига ишонч ва тафаккур бўлса, ҳаётда қўзланган олий максалдарга эришиш қийин кечмайди!" — дейди Ойбек.

Меҳнатдан завқ олиб ишлаётган, қалбларида юксалиш ва эзгулик туйғулари билан корхона ривожига муносиб улушларини қўшишга интилаган ёшларимизга омад ёр бўлсин.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

**Хикмат**

Рост сўзлаётган одамнинг қудрати арслоннинг қудрати билан баробардир.

Аз-ЗАМАХШАРИЙ

## Xalqaro hayot



**ЕВРОПА**да совук харорат туфайли ҳаётган қўз юмганлар сони беш юз нафардан ошди. Жумладан, Босния ва Герцеговина пойтахтида калин қор ёниши туфайли спорт мажмуаларидан бирининг томи қулаб тушган. Бахтсиз ҳодиса вақтида бинода ҳеч ким бўлмаган. Бундан ташқари, ушбу давлатнинг бир қатор ҳудудлари ташқи дунёдан узилб қолган. Бу жойларда яшовчи одамларга озик-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур нарсаларни етказиш учун фақат вертолётлардан фойдаланилмоқда.

Руминияда эса автомагистраллар ёпиб қўйилган. Поездлар ҳаракати ҳам вақтинча тўхтатилган. Тўпланиб қолган қор уюмларини тазалашда портловчи моддалардан ҳам фойдаланишга мажбур бўлиняпти. Мамлакатнинг барча ҳудудларида инсонпарварлик ёрдамларини қабул қилиш масканлари фаолияти йўлга қўйилган.

**МОНТЕВИДЕО**дан Сан-Паулуга парвоз қилаётган Бразилиянинг "TAM Airlines" авиакомпаниясига қаршли самолёт Порту-Алегри шаҳрига мажбуран қўндирилди.



Бунга унинг бортидаги йўловчилардан бирининг но-жўя хатти-ҳаракати сабаб бўлган. Яъни, у учувчилар хонасига кириб, экипаж аъзоларидан бирига ҳужум қилган. Натижанда лайбердагилар ҳаёти жиддий ҳавф остида қолган. Воқеадан хабар тошган бир неча кишининг саъй-ҳаракати туфайли безори зарарсизлан-тирилган. Кейинчалик маълум бўлишича, у одам асаб касаллигига чалинган экан.

**ИТАЛИЯ** соҳилида бундан бир неча ой олдин ҳалокатга учраган "Costa Concordia" саёҳат кема-сидаги ёнилгини тортиб олиш ишлари бошланди.

Манбада айтилишича, кемада икки минг тоннадан ортиқ ёнилги мавжуд. Унинг уммонга тўкилиб кетиш хавфи кўпчиликни хавотирга солиб келаётгани. Чунки бу ҳол атраф-муҳитга жиддий салбий таъсир кўрсатади. Мутахассислар зиммаларидаги масъулиятли вазифани имкон борича тез ва сифатли яқунлашга ҳаракат қилишмоқда.

**СОМАЛИ**лик қароқчилар томонидан ўтган йили жаҳон иқтисодиётига ўртача 6,6 — 6,9 миллиард АКШ доллар микдоридан зарар етказилган. Ушбу маблағнинг 80 фоизи денгиз орқали хизмат кўрсатувчи компаниялар, қолгани ҳукуматлар ҳиссасига тўғри келган.




Манбада таъкидланишича, сарф қилинган пулларнинг 99 фоизи босқинчилардан ҳимояланишга, масалан, ҳарбий кучларни жалб этишга ишлатилган. Хусусий фирма-лар эса фақат ёнилги учун ортиқча 2,7 миллиард доллар йўналтиришга мажбур бўлганлар. Чунки улар Сомали қирғоқлари-га яқинлашганда, қароқчилар қўлга тушиб қолмаслик учун, кемаларини меъёридан анча тез ҳаракатлантиришган. Бу, табиийки, ёнилги сарфи ортишига олиб келган.

Eastman Kodak компанияси рақамли фотоаппарат ва фоторамкалар, ихчам видеокамералар чиқаришни тўхтатишини расман эълон қилди. Наҳотки, маълум ва машҳур "Kodak асри" ниҳоясига етган бўлса?!

Компанияга 1880 йили Нью-Йорк шаҳрида Жорж Истман томонидан асос солинган эди. Brownie ва Instamatic фотоаппаратлари, қолаверса, сариқ-қизил рангли қутиларидаги фотоплёнкалари компанияни дунёга танитди. Кўзгучиларнинг айтишича, Kodak бизнесининг инкирозига биринчи галда ўтган асрнинг 90-йилларида япон ишлаб чиқарувчилари билан рақобат қурашидаги мағлубият, кейинчалик рақамли фотоаппаратлар асри бошланиши сабаб бўлган.

Эслаиб ўтамиз, суд қарорига кўра, компанияга жорий йил январ ойи охирида ўз бизнесини тиклаш ва қарзларидан қутулиши учун бир йилдан ортиқроқ муҳлат берилди. Банкротликка тайёрланиш жараёнида Kodak инкироздан чиқиб олиш учун зарур бўладиган 950 млн.

## Kodak инкироздан чиқа оладими?



долларни Citigroup берилга рози бўлганини ҳам маълум қилди.

Бирок, харажатлар ҳар қанча қисқартирилиб, ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилган тақдирда ҳам, компания пулсиз қолиши ва одатий тартибда фаолият кўрсата олмаслиги ойдинлашди. Америка қонунчилигига кўра, банкротликдан ўтаётган компания кредит берувчилардан мухофазаловчи 11 Параграф доирасига тушиб қолиши мумкин.

Банкротлик масаласи бўйича Нью-Йорк судяси Аллан Гроппер Kodakни қайта ташкил этиш режа-

сини 2013 йил 15 февралгача тасдиқлаб, Citigroupдан 650 млн. долларлик биринчи транши олишга ҳам рухсат берди. Шунингдек, у ликвидликка эришиш учун 30 июнгача Kodak 1100та патентини сотишни белгилаб қўйди. Тахлилчилар сотилажак патентларни 2 млрд. долларга баҳолашяпти, бироқ компаниянинг ўзи патентларини сотиш юзасидан музокара-лар олиб бораётгани ҳақида гап-сўзлар йўқ.

Компаниянинг инкироз ёқасига келиб қолиши борасида турлича қарашлар мавжуд: рақобатчилар рақамли технологияларга ўтишни бошлаганда ҳам Kodak плёнкалардан воз кечмагани, сўнгги бош директор Антонио Перез йўл қўйган хатолар, зарар кўриб ишлаётган компанияда 19 минг киши ишлаётгани ва х.к. Компания бунча одамга ишсизлик нафақаси, тиббий ва пенсия тўловларини амалга ошира оладими-йўқми хали булар савол остида...

## АТ-хабарлар



SanDisk компанияси кенг истеъмол бозори учун SanDisk Extreme деб ном берилган янги SSD-сақлагичлар туркумини чиқарди.

Компания маълум қилишича, янги хотира қурилмалари одатдаги 7200 айланма/дақиқа қаттиқ дискларга нисбатан ўн баравар юқори тезликка эга. Маълумотларни ўқиш ва ёзиш тезлиги 520 Мб/сония бўлиб, маълумотларни кўчириш, узатиш ва амалиёт тизимини ишга туширишни жадаллаштиради. Табиийки, компютерлар умумий иш суръати ҳам шунга яраша ошади.

Ҳозирча SanDisk Extreme 120 ва 240 гигабайтлик кўринишларда чиқарилмоқда. Ўйле охиригача 480 гигабайтликни чиқариш ҳам режага киритилгани айтилмоқда.



Intel корпорацияси транзакцион хотира ишланмасини қўллаб-қувватловчи Haswell қурилма архитектураси тақдирини ўтказди. Haswellга асосланган биряччи чиплар 2013 йилда пайдо бўлиши кутилляпти.

Транзакцион хотира — юқори ишончли кўп оқимли дастурлар яратишининг янги усули. Бу технологияга кўра, транзакцион моделлар бир пайтнинг ўзида мураккаб кўп оқимли амалиётларни ўтказди, бироқ улар бир оқимдаги хатolik бутун дастурни ишдан чиқармаслиги учун бир-бирдан изоляцияланган. Илгари шунга ўхшаш тажриба кўп маълумотларни бир пайтда ишлаш учун маълумотлар базасида татбиқ этилганди. Энди бу тажриба қурилмалар соҳасида ҳам синовдан ўтмоқда.



Apple компанияси акциясининг бир донаси 13 феврал кун илк бор 500 долларлик довога кўтарилди.

Шу тариха жаҳондаги энг қиммат компаниянинг умумий капиталлаштириш даражаси 465,6 млрд. доллардан ошиб кетди, бу энг яқин таъкибчи Exxon Mobilдан 50 млрд. доллар юқоридир. Статистика маълумотларига кўра, охириги ўн йилда компания акциялари баҳоси 4058 фоизга қимматлашган.

Интернетдаги домен ҳамжамиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга масъул ICANN корпорациясига жаҳондаги 100дан ортиқ доменларни рўйхатга олувчилар юқори даражали домен номлари (GTLD — Generic Top-Level Domains)ни рўйхатга олиш лойиҳасида иштирок этишга ариза топширган.

ICANN 29 март кун рўйхатга олувчиларнинг якуний рўйхатини эълон қилади ва улар 12 апрелдан бошлаб юқори даражали домен номларини рўйхатга олишининг янги тизимида фаолият кўрсатишни бошлайди.



Ўтган hafta Google компанияси Chrome 17 браузерининг якуний шаклини тақдим этди. Браузерда жуда қўллаб қичик камчиликларга барҳам берилгани, веб-манзилларни юкланиши янги имконият-ю, зарарли юкланмалардан мухофазаланишининг янги усули қўллангани айтилмоқда.

Chrome 17ни браузерининг ўрнатилган янгилигини тизим ёки google.com/chrome манзилдан юклаб олиш мумкин.

## ПАРОЛИМ ЮРАГИМДА...

Тайванлик муҳандис ва дастурчилар фойдаланувчиларни аутентификациялаш жараёнига ўзгача ёндашиш таклифини илгари суршишмоқда. Маълумки, даставвал пароллар, смарт-карталар, кейинчалик биометрик тизимлар муомалага киритилганди. Энди эса "парол" сифатида қурилма фойдаланувчисининг юраги, аниқроғи, унинг юрак уриши иш бериши мумкин.

Чжунсин (Тайван)даги Миллий университет муҳандиси Чун-Лян Линнинг айтишича, ҳар бир инсоннинг юрак уриши — ўзига хос, яъни дунёда тўлиқ бир-бирига ўхшайдиган иккита юракни учратиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, ҳеч муболағасиз, юракдаги шовқин, унинг қисқариш суръати, клапанлар иш жараёни ўзига хослиги каби омилларни бемалол алоҳида бир инсонгагина хос имзо деса бўлади.

Олимлар ўзлари таклиф этаётган тизим билан батафсил Information Sciences журналининг янги сонида танишиш мумкинлигини айтишмоқда. Ҳозирча эса янги тизим юракдан олинган маълумотлар асосида шифрлаш схемасининг асосий элементларидан бўлган махфий калит яратиши ҳақида маълумот бор.

Юрак уриши асосида шакллантирилган электрон калитлардан тайванлик тадқиқотчилар нафақат парол сифатида, шунингдек, ёпиқ маълумотларни дешифрлашда (шифрланган материалларни очини) ҳам фойдаланишни таклиф этишяпти. Тизимнинг энг катта устулиги шундаки, фойдаланувчи энди илгариги каби калит (парол, смарт-карта ва х.к.)ни олиб юриш учун ҳеч қандай қурилмадан фойдаланмайди, тизимнинг ўзи ҳар бир аутентификациядан олдин калитни фойдаланувчи учун махсус "ясади". Бунинг учун у компютерга юрагига қулқот тутишга изн берса бас.

# "Ўзбектелеком" АКнинг Дата Марказидан янги лойиҳалар

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Куйида ушбу янги лойиҳалар хақида қисқача маълумот берамиз:

**1. Интернет фойдаланувчилари учун дастурий таъминот лойиҳаси** (<http://soft.uzdc.uz>) ишлаб чиқилди. Бу порталда сиз янги кинолар, клиплар, расмлар, дастурларни бепул юклаб олишингиз ва улар хақида ўз фикрларингизни қолдиришингиз мумкин.

**2. Электрон почта хизматидан фойдаланувчилар учун кулай ва тезкор** (<http://mail.uzonline.uz>) электрон почтаси ишлаб чиқилди ва ҳозирги кунда рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда. ТАС-IX доирасида сифатли электрон почта хизматларининг камлигини ҳисобга олсак, бу лойиҳа кўпчиликда қизиқиш уйғотиши ва қулайлик туғдириши, шубҳасиз.

**3. Ҳозирда аудио ва видео портали** (<http://mediabox.uz>) ҳам хизмат кўрсатмоқда. Бу порталда янги ва замонавий клиплар, мусикаларни онлайн тарзда томоша қилиш имкони мавжуд. Бундан ташқари, клип ва мусикаларга овоз бериш ва улар юзасидан фикр-мулоҳазаларни қолдириш мумкин.

**4. Интернет тармоғида фойдаланувчилар орасида катта ҳажмдаги ахборот алмашувини таъминлаш мақсадида янги "Виртуал флешка" хизмати** яратилган (<http://fdrive.uzdc.uz>). Бу хизмат — фойдаланувчиларга ўзаро мусика, ви-



део ва катта ҳажмдаги ахборот алмашувини йўлга қўйишга имконият яратади.

**5. Навбатдаги лойиҳа — фотохоснинг** (<http://image.uzdc.uz>) хизмати. Бу ерда фойдаланувчилар ўзлари га тегишли расмларни юклаши ва юкланган расмларни кўриши мумкин. Яъни, катта ҳажмдаги расмларни шахсий компютерда сақлашдан ташқари, унинг нусхаларини фотоалбом шакли-

да интернетда сақлаш ҳам мумкин.

**6. Компютер ўйинларига қизиқувчилар сони кўпчилигини** инobatта олиб, компания мутахассислари **онлайн ўйинлар порталини** (<http://games.uznet.net>) ҳам яратишди. Мазкур сайт орқали оммабop ўйинларни ўйнашингиз мумкин бўлади.

Ўтган йили "Ўзбектелеком" АКда ребрендинг амалга оширилиб, UZONLINE бренди остида ADSL-интернет хизматлари кенг йўлга қўйила бошланганидан сўнг, компания интернет хизматларидан фойдаланувчилар сони кескин oшди. Юқорида санаб ўтилган лойиҳалардан компания миқозлари 1дан 2 Мбит/с.гача тезликда бепул фойдаланиш имкониятига эгалар. Чунки Дата Марказининг барча ресурслари ТАС-IX тармоғида жойлашган.

Ўз мухбиримиз

## Ахборот хуружларидан огоҳ бўлайлик!

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ташаббуси билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоятдаги минтакавий вакили ҳамкорлигида Қарши туманидаги Мирмирон сервис ва тадбиркорлик коллежида "Ахборот хуружларидан огоҳ бўлайлик!" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида иштирок этган Қарши Давлат университети ректори, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоятдаги минтакавий вакили, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзosi Муродилла Нормуродов, ТАТУ Қарши филиали директори Одилбек Туррунов, Қарши ахборот технологиялари коллежининг 3-босқич талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Малика Фуломова, ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси, "Қамолот" ЕИХ етакчиси Шербек Норматовлар ўз чинишларида ахборот оқими ва унинг глобаллашуви ижтимоий муҳит ва ахлоқий кадриятларга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани, ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон кенг дунёқараш, кучли тафаккур, юксак ахлоққа эга бўлиши зарурлигини таъкидладилар.

Тадбир иштирокчилари инсонларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, зарарли фоярдан ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш, шунингдек, бузувчи кучларга қарши курашиш Ватан, халқ, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини эътироф этидилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ

**P.S.** Ишлаб чиқилган лойиҳалар маҳаллий интернет ресурсларининг бойлигига ва халқаро трафикининг тежаллишига хизмат қилади. Шу жиҳатдан бундай лойиҳаларнинг кўпайиб бориши фойдала. Аммо юқорида санаб ўтилган ресурсларнинг ўзбек тилидаги талқинлари мавжуд эмаслиги уларнинг оммавийлиги охишига тўсқинлик қилади. Келгусида Дата Марказ мутахассислари ушбу масалага эътибор қаратишди, деган умиддамиз.

## DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

# Бепарволик — иллат

Ҳукуматимиз томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани туфайли соҳага янги технологиялар жадал татбиқ этилмоқда. Шу билан бир қаторда, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартиришлар киритиб келинмоқда.

Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳўжалик юритувчи субъектларга етарли даражада етказиб берилмоқда, лекин субъектлар томонидан мазкур норматив ҳужжатларни ўқиб ўрганиш ва улар билан ишлашга етарли даражада эътибор қаратилмапти. Масалан, "Ўзбектелеком" АКнинг Сирдарё филиали ва унинг таркибига кирувчи шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш бўйича ўқув семинарлари етарли даражада олиб борилмаслиги оқибатида истеъмолчиларга телекоммуникациялар соҳасида кўрсатилаётган хизматлар-

нинг сифат даражаси пасайиб бормоқда. "Ўзбектелеком" АК билан тузилган ўзаро ҳамкорликда ишлаш бўйича келишувга асосан 2010 йил ва 2011 йилнинг 9 ой давомида ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар таҳлили бунинг асоси бўлди.

Филиалнинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида соҳага оид янги амалга киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқишлар олиб борилмаган. Филиал, шаҳар ва туман телекоммуникациялар ходимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билмаслик оқибатида телефон ўрнатиш учун берилган аризалар ва ўрнатиш учун расмийлаштирилган ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдилар. Бундан ташқари, истеъмолчилардан тушаётган мурожаатлар масъул ходимлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида белги-ланган муддатларда сифатли кўриб чиқилмаган.

Истеъмолчиларга кўрсатилаётган маҳаллий телекоммуникация хизматларининг сифати пастиги ва хизматлар кўрсатишда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя

этилмаслиги сабабли истеъмолчилар томонидан маҳаллий телекоммуникациялар хизматларидан воз кечиш ҳолатлари мавжуд. Масалан, 2010 йилнинг 9 ойига нисбатан 2011 йилнинг 9 ойи давомида истеъмолчиларнинг 22 фоизи маҳаллий телекоммуникация хизмат-

почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимлари орқали юборилган назорат хатлари истеъмолчиларга кечиктириб етказиб берилган ёки уларга умуман етиб бормаган.

2011 йилнинг 9 ойи давомида Агентликнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда жойларда тизимга кирувчи корхона ва ташкилотларда ижро интизомии ҳолати ўрганиб чиқилганда аниқландики, филиалларга келган аксарият буйруқлар, фармойишлар ва топшириқлар мазмун-моҳиятига кўра, раҳбарлар томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилмаган, бажарилиши бўйича аниқ топшириқлар асосида резолюциялар кўйилмаган ва бу билан ижро талаблари ва назорат муддатлари кўп равишда бузилишига йўл қўйилган.

Келгусида бу каби нохуш ҳолатларга йўл қўйилмади ҳамда мутасадди раҳбарлар томонидан янги амалга киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, шунингдек, ўқув семинарларини ўтказиш ташкил этилади, деган умиддамиз.

Ш.ҒАФУРОВ,  
Сирдарё вилояти  
ДАИ бошлиғи в.в.б.

**"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиалининг шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимлари орқали юборилган назорат хатлари истеъмолчиларга кечиктириб етказиб берилган ёки уларга умуман етиб бормаган.**

ларидан фойдаланишни рад этганлар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларини етарли даражада билмаслик ва бепарволикка йўл қўйилганлиги сабабли "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиалининг шаҳар, туман

## ВИДЕОКОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ:

### "ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ИНФОРМАЦИОННОГО ПРОСТРАНСТВА И ДУХОВНОСТЬ МОЛОДЕЖИ"

10 февраля 2012 года в Национальной библиотеке Узбекистана им. А.Навои состоялась республиканская видеоконференция на тему: "Глобализация информационного пространства и духовность молодежи".

Конференция была организована по инициативе Комитета по вопросам информации и коммуникационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан совместно с Узбекским агентством связи и информатизации.

В мероприятии приняли участие депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, представители органов государственного управления в сфере духовно-нравственного воспитания молодежи, институтов гражданского общества, эксперты и специалисты информационной и воспитательной сферы, и др. Также по видеоконференции были подключены студии городов Ферганы, Самарканда и Нукуса.

На открытии с приветственными словами выступили заместитель спикера Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан И.Саифназаров, генеральный директор УзАСИ Х.Мухитдинов, председатель Комитета по вопросам информации и коммуникационных технологий Законодательной палаты Олий Мажлиса А.Джурбаев. Ими было отмечено, что в сложившихся условиях выработка и реализация комплексной програм-

мы действий по обеспечению информационной безопасности несовершеннолетних, защите их от негативного воздействия угроз духовно-нравственного характера, воспитания ее в духе уважения к национальным ценностям является приоритетной задачей. В этом процессе актуальное значение имеет повышение духовности молодежи, воспитание ее в духе любви к Родине, верности идеям независимости, уважения национальных ценностей.

Актуальность тематики конференции была подтверждена активностью состоявшегося обсуждения. В докладах участников конференции, выступивших по видеоконференции, специалистов нашли отражение факты необходимости принятия неотложных, комплексных мер направленных на реформирование системы духовно-нравственного воспитания в условиях глобализации информационного пространства, нахождения новых путей повышения эффективности образовательных и воспитательных процессов в молодежной среде. Сегодня молодежь должна обладать знаниями и навыками защиты информации персонального характера, должна уметь защитить используемые средства коммуникации и за-

щититься от негативной информации, которую обрушивает на них век информации.

Одним из вопросов обсуждения стала задача формирования системы мониторинга общественного сознания молодежи в информационной среде. Были высказаны рекомендации направленные на активизацию деятельности по изучению мировоззренческих приоритетов молодежи при их присутствии в "виртуальном" информационном пространстве, представлен международный опыт по обеспечению защиты несовершеннолетних от информации, наносящей вред их здоровью и духовно-нравственному развитию.

На конференции заслушаны доклады, раскрывающие истинную суть угроз и течений "массовой культуры", влияющей на духовность молодежи, ее воздействие на воспитание несовершеннолетних, эффективную роль национальных ценностей в воспитании гармонично развитого поколения. Были высказаны мнения и предложения о национальных ценностях и самосознании, формировании идеологического иммунитета в условиях глобализации и конкуренции на информационном рынке, повышении медиакратности и интернет культуры подрастающего поколения, ускорении работы по наполнению контентом национального сегмента сети интернет и др.

Aci.uz

## НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ

### ОПЛАТЫ ДЛЯ АБОНЕНТОВ "МТС-УЗБЕКИСТАН"

Новый способ пополнения баланса предоставляет возможность абонентам "МТС-Узбекистан" приобретать купоны оплаты в агентских пунктах UZPAYNET и пополнять свой баланс в любое удобное время дня и ночи, в течение 7 дней с момента приобретения.

Для этого абоненту необходимо при посещении одного из пунктов приема платежей UZPAYNET попросить оператора предоставить чек с суммой оплаты и 10-значный секретным кодом. Данный код необходимо отправить в USSD-запросе \*177\*10-значный код# и нажать на кнопку вызова (где 10-значный код, это секретный код, указанный на чеке предоставленный оператором). В случае успешной оплаты абонент получит SMS-уведомление о пополненном счете. Если абонент получил сообщение об ошибке и ему не удается пополнить свой счет с данным секретным кодом, ему следует обратиться к оператору пункта и следовать его инструкциям.

"Наша компания предлагает своим абонентам еще один способ пополнения своего баланса. Реализовывая данную возможность совместно с компанией UZPAYNET, мы в первую очередь заботимся о наших абонентах и надеемся, что она будет особенно востребована у наших абонентов, и они не останутся без связи ни при каких условиях", — отметил заместитель генерального директора по коммерции "МТС-Узбекистан" Н.Шадманов.

## "БИЛАЙН" ОТКРЫЛ НОВЫЙ ОФИС

Западного регионального филиала, обслуживающего абонентов Республики Каракалпакстан и Хорезмского вилоята

Комментируя событие, коммерческий директор по развитию массового рынка Западного регионального филиала Unitel Рефат Низамутдинов сказал: "Новый большой офис — это то, что нужно для динамично развивающегося бизнеса "Билайн" в Каракалпакстане. Теперь в Нукусе у наших специалистов есть возможность обслуживать одновременно еще больше абонентов, а также предоставлять комплексный сервис корпоративным клиентам".

Новый офис расположен в Нукусе на пересечении улиц Досназарова и Турон.



## SAMSUNG GALAXY S II ВХОДЬ В ОФИСАХ ПРОДАЖ "БИЛАЙН"!

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП ООО Buzton) сообщает о возобновлении продаж телефона Samsung Galaxy S II. Теперь он доступен в офисах компании по цене 1 799 000 сум.

"Это флагманская премиум-модель линейки Samsung Galaxy, реализуемой нами с осени прошлого года, — отметил старший менеджер по связям с общественностью Unitel Ораз Абдуразаков. — Данный смартфон признан многими экспертами лучшим в мире по большинству параметров, и мы рады, что можем предложить его абонентам "Билайн". Повышенный предновогодний спрос на Galaxy S II привел к перерыву в продажах, но партнерство с компанией Samsung позволило нам в сжатые сроки поставить очередную партию аппаратов".

Напомним, что при покупке телефона предоставляются следующие бонусы: "золотой" номер, карта привилегий Beeline Club уровня Platinum и 100 Мб ежемесячного интернет-трафика в течение полугода. Телефон продается в комплекте с тарифом "O!".



## КОРОТКО...

Vodafone сообщил о падении выручки компании на 2,3% в последнем квартале 2011 года на фоне ухудшающихся экономических условий в Европе. Особенно сильный негатив в результате компании внесли южные европейские страны, в частности Испания, Италия, где Vodafone значительно снизила показатели деятельности.

Выручка британской компании составила 11,6 млрд. фунтов, данных о квартальной чистой прибыли Vodafone не предоставила.

Alcatel-Lucent планирует сократить около 1800 рабочих мест в Европе. Ожидается, что около 450 работников будут сокращены во Франции, примерно столько же в Италии, а остальные — в прочих европейских регионах.

По информации пакистанского представительства агентства Associated Press, правительство Пакистана сообщило о расширении масштаба блокировок в интернете и закрытии доступа еще к 13 000 сайтов. По словам парламентского секретаря Наваба Али Хана, блокировки тысяч сайтов были реализованы после решения Высокого Суда Пакистана, который рассматривал коллективные жалобы граждан и общественных организаций.

Также чиновник сообщил, что ряд пакистанских интернет-провайдеров лишены лицензий за "систематическое" размещение противозаконных материалов на своих серверах.

Интернет-компания Google объявила о получении одобрения регуляторов Европейского Союза на проведение сделки по покупке компании Motorola Mobility за 12,5 млрд. долларов.

В официальном заявлении Google говорится, что европейские регуляторы не выдвинули каких-либо ограничительных условий по сделке, хотя представители европейского антимонопольного ведомства заявили, что будут отслеживать то, как именно Google использует полученную от Motorola базу в 17 000 патентов, связанных с телекоммуникационными технологиями.

На прошедшей в выходные церемонии вручения музыкальных премий Грэмми, одна из статуэток посмертно досталась Стиву Джобсу, за вклад последнего в развитие музыкальной индустрии.

От лица Джобса награда была вручена топ-менеджеру Apple Эдди Кью, который стоял непосредственно у истоков платформы iTunes и по сей день отвечает за наполнение каталогов Apple контентом и за развитие интернет-сервисов компании в целом.

Компания Cisco Systems прогнозирует, что к 2016 году по всему миру будут работать свыше 8 млрд. портативных электронных устройств. Кроме того, к означенной дате по всему миру будут работать около 2 млрд. "machine-to-machine"-соединений, генерируемых такими приборами, как GPS-навигаторы, электронные медицинские или промышленные приборы.

Вся эта армия мобильных устройств к 2016 году 18-кратно увеличит объемы мобильного трафика, который достигнет 10,8 эксабайт в месяц или 130 эксабайт в год, что эквивалентно 33 млрд. DVD или 4,3 квадриллионам mp3-песен.

Мен ўз одатларим кулиман. Ўзим ўрнатган тартиб-қоидага одатландимми, бас, ундан воз кеча олмайман. Бировлар ўзгаришларни яхши кўради — фақат мен эмас. Бу ғалати туюлиши мумкин. Тасаввуримда сайёраларо ёруғликдан тез учадиган кема-ларда сайр қиламан. Менинг адабий қахрамонларим ҳеч иккиланмасдан ўз уйлари, яқинларини тарк этиб, қачон қайтиши даргумон узоқ сафарларга отланишади.

**К**ўпинча менадан сўрашади: — Бу қанақаси, фикру хаёлингиз узоқ сафарларда бўлса-да, ўзингиз на самолётда учини хуш кўрасиз, на уйингиздан чиқишни истайсиз?

Билмадим. Балки бойибона саёхатлар менинг эҳтиёжларимни буткул қондириб, ўзимнинг ҳеч қаерга чиқким келмаётгандир. Эҳтимол менинг ишу хаёлим ёзув машинкаси қаршисига ўтириб фақат ёзишдадир. Мақтанишга йўйманг-у, шу кунгача 350дан ортиқ китобимни чиқарганман, бу каби ишга бел боғлай оладиган валломатни ҳозирча кўрмайман.

Этибор берган бўлсангиз, "ёзув машинкасида ёзмаман" дедим. Отам менга биринчи машинкани 1935 йилда олиб берган. 1981 йилгача мен эски ва янги, механик ва электр токида ишлайдиган машинкалардан фойдаланиб келдим. Кўп ёзувчилар компютердан фойдаланаётганини эшитгандим. Тўғриси, компютерлар мени қизиқтирмади. Ўз ёзув машинкамга ўрганиб қолгандим.

Кунларнинг бирида менга компютерлар ҳақидаги журналлардан бирининг муҳаррири телефон қилиб қолди:

— Доктор Азимов, — деди у, — бизга компютерда ишлаш тажрибангиз ҳақида мақола ёзиб берангиз.

Мен қувноқ оҳангда жавоб бердим: — Афсус, сизга ёрдам беролмайман, чўнки менда компютернинг ўзи йўқ.

Жавобимни эшитиб, афтидан, муҳаррирнинг хуши бошидан учди.

— Қанақасига?

— Менга компютер не ҳожат, — жавоб қайтардим. — Ўзимнинг ёзув машинкамга етадигани йўқ.

— Аммо сиз компютер олишингиз керак! — туриб олди у.

— Мен эса истамайман.

— Йўқ, барибир компютер оласиз!

— дея суҳбатдошим гапга нукта қўйди. Бу куниси фирмалардан бири уйимга ўша журнал буюртмаси асосида компютер ташлаб кетибди.

Меҳмонхонамнинг ўртасида турган картон қутиларга ташвишли боқдим. Жин урсин, бу нимаси, уларни нима қиламан? Ниҳоят, компютер қутисидан турсагина менга ҳеч қандай зиён-заҳмати тегмайди, деган тўхтамага келдим. Аксига олиб шу тобда процессорлар



Айзек АЗИМОВ:

# Компютер билан ЮЗма-ЮЗ

тайёрловчи фирмада ишлайдиган бир йигит келиб қолди. Юзимда акс этган кўрқувга парво ҳам қилмай, бирма-бир қутиларни бўшатди — компютер қисмларини олиб, битта столга процессорни, ёнидагисига чоп этувчи қурилмани ўрнатди.

Хаммасини улаб бўлгач, у мени ёнига чорлаб, компютерни қандай ишлатишни ўргата бошлади. Биринчи ўн беш сониядаёқ тамом бўлдим. Илм-фаннинг барча йўналишларида 200дан ортиқ китоблар ёзганман, энг қийин илмий тушунчаларни ҳам оддий тилда аниқ ва лўнда тушунтириб бера оламан. Аммо бу техника қурилмалари орасида ўзимни сувдаги балиқдек ҳис этаман дегани эмас-да. Тўғри, ёзув машинкасини ишлата оламан, бироқ электр лампочкасини алмаштиришдан бошлаб отвёртқадан фойдаланиладиган барча жиддий техника юмушларингача хотиним Жанетнинг зиммасида...

Йигит айтаётганлари у кулоғимдан кириб бунисидан чиқиб кетаётганини сезди, шекилли, деди:

— Агар компютерни ишлатишда бирон-бир муаммога дуч келсангиз, мана-ви қўлланмалардан фойдаланарсиз...

У иккита қалин китоб узатди. Китобларга қараб, улар мен тушунадиган тилда ёзилганини шу заҳоти англадим.

**Компютерни ўрганганимча, охириги 11 йилда, ҳар ойда ўртача биттадан китобни ёзиб тугатардим. Компютердан фойдаланишни бошлагач, беш йилда, ҳар ойда ўртача иккитадан китобни ёзиб тугатадиган бўлдим.**

Йигит кетди. Компютерда ишлашга уриниб кўрдим, аммо бир наф чикса-чи. Компютер у истаган амални бажаришми талаб қилар, аксинча, менинг буйруқларимни инкор этарди.

Хафталар ўтди. Компютерни ўзлаштиришда бир қадам ҳам силжий олмадим. Охир-оқибат компютер фирмасига қўнғироқ қилдим. Бу сафар иккита мутахассисни жўнатишди. Икковлон менга қурилманинг иш тамойилини тушунтиришга уринар, мен эса тушунишга ҳаракат қилардим. Негадир компютер уларнинг қўлига тушгач ўзини ювош мушукдек тутар, улар кетгач эса мисоли йўлбарсга айланиб кетарди.

Компютерда ишлашни ўрганаман деб бир ойни зое қилдим, ҳар сафарги ҳаракатим охирида менинг мағлубиятим билан тугарди. Ҳатто компютерни деразадан улоқтириб юбормоқчи ҳам бўлдим (мен 33-қаватда яшайман). Охири фирмага яна қўнғироқ қилиб, компютерни қайтариб олиб кетишларини сўрамоқчи бўлдим. Икки кун шу ҳақда ўйлаб юриб, яна бир марта уриниб кўришга аҳд қилдим. Компютер қаршисига яхшилаб ўрнашиб олиб, уни ёқдим, қутилмаганда, ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз, у ишлаб кетди! Худди мушук каби бошини оёғимга суйкаб, ҳатто миевлаб юборди.

Аслида нима бўлди, билмайман. Мўъжизами? Ҳар доимгиларидан фарқ қилмайдиган оддий кун эди, ҳолос.

— Энг асосийси, — дедим хотинимга, — ўзингга боғлиқ экан — тириш-қоклик, қатъият, ақл ва американча топқирлик бўлса бас.

Мана, компютердан фойдаланаётганимга ҳам беш йилдан ошди.

У менинг ижодий сермахсуллимни таъминладиими?

Компютерни ўрганганимча, охириги 11 йилда, ҳар ойда ўртача биттадан китобни ёзиб тугатардим. Компютердан фойдаланишни бошлагач, беш йилда, ҳар ойда ўртача иккитадан китобни ёзиб тугатадиган бўлдим. Бундан ташқари, энди қўлёзмаларим ҳам бирмунча тозарок.

Хуллас калом, 1981 йили компютерлар журнали менадан мақола ёзиб беришни сўраганидан ва, албатта, ўшанда жаҳл устида компютерни деразадан қўчага улоқтирмаганимдан бугун жуда-жуда мамнунман.

1985 йил

Собит АҲАДОВ таржимаси


**Айзек АЗИМОВ (1920-1992)** — америкалик фантаст-ёзувчи. 500 (илмий фантастика, детектив, юмор ва бошқа жанрлар)га яқин китоблар чиқарган. Юго ва Небула мукофотларининг кўп қарра соҳиб. Азимов инглиз-америка адабиётида Артур Кларк ва Роберт Хайнлайнлар билан бирга фантаст-ёзувчилар "Катта училиги"ни ташкил этади.

Юртимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият сари жадал интилиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилди.

Бундан тўққиз йил олдин Қарши шаҳрида "HUAWEI TECHNOLOGIES CO.LTD" компаниясининг "С&СО8" русумидаги электрон автоматик шаҳарлараро телефон станцияси қурилган эди. Мавжуд рақамли автоматик шаҳарлараро телефон станцияси сизими 60 портга кенгайтирилиб, сизими 140 портга етказилди. Хитой Халқ Республикаси "Тараққиёт банки" кредити ҳисобидан 2008 йилда умумий сизими 27584 абонент рақамидан иборат бўлган "HUAWEI TECHNOLOGIES CO.LTD" компаниясининг "С&СО8" русумидаги янги рақамли телефон станцияларини такомиллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар бажарилди. Натижада Шаҳрисабз ва Бешкент шаҳарларидаги марказий НОСТ станцияларига 37тадан ортиқ станция боғланиб, аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш даражаси ортди.

Республика бўйлаб оптик толали линияга ўтиш жадал олиб бориляпти. Техник ва технологик жиҳатдан олиб қаралса, мис толали кабелларга қўра оптик толали кабелларнинг афзалликлари ниҳоятда кўп. Кабелларнинг узунлиги 2 километрдан 4 километргача эканлиги боғловчи муфталар сонини камайтиради. Оптик толали кабеллар мис толали кабелларга нисбатан бир неча баробар енгил ҳам. Бунинг бир толасидан жуда кўп телефон каналларини ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси, сигналлар охириги маскангача бир зумда ҳеч бир техник носозликларсиз аниқ ва тиниқ етиб боради.

Қарши ва Термиз шаҳри оралигида давлат аҳамиятига молик магистрал халқаро оптик толали алоқа линияси қурилиб ишга тузилди. Ушбу йўналишдаги Гузор, Дехқонobod ва Қарашина масканларида янги рақамли АТСларни мазкур алоқа линиясига улаш имконини беради. Ви-



# ВАЗИФА

лоятда минтақавий оптик толали кабелли алоқа линияси қуриш бўйича Гузор-Қамаши (37 км), Қамаши-Яккабоғ (33 км), Қарши-Нишон (28 км), Қарши-Бешкент (14,8 км) Бешкент-Муғлон (27 км), Муғлон-Миришкор (24,1 км) Миришкор-Помук (34 км), Помук-Муборак (31,2 км) Яккабоғ-Чироқчи (14,5 км) Косон-Оқтепа (7,8 км) оралигида оптик толали кабел алоқа линияси қурилиши маҳаллий мутахассислар ва хитойлик ҳамкорлар ёрдамида амалга оширилди. Оптик толали линия ўтказиш ишларида Тошкент ахборот технологиялари университети, унинг Қарши ва Самарқанд филиаллари талабалари иштирокида тузилган "Бунёдкор ёшлар" меҳнат отряди жамоаларининг ҳам ҳиссаси бор. Шунинг унутмаслик керакки, қишлоқлардаги мавжуд АТСларнинг аксарияти муқобил турда бўлиб, маънан эскирган, сифати паст эди. Буларнинг фаолиятини яхшилаш ҳамда қишлоқ жойларида яшаётган аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида "Ўзбектелеком" АК томонидан "TELMAX ELEKTRONIKS" ИЧК МЧЖда ишлаб чиқарилган кичик сизимли "Коинот Эл-СГМ" рақамли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қишлоқ жойларига сизими 112, 160, 208-рақамдан иборат мазкур коммутация қурилмалари кириб бормоқда. Улар олдинги АТСларга нисбатан анча ихчам, шовқин-

сиз ва кўп жой эгалламаслиги билан ажралиб туради.

Жорий йилда 16та қишлоқда эски аналог русумидаги станциялар реконструкция қилиниб, 2816 портдан иборат "Коинот Эл-СГМ" ускуналарини ўрнатиш режаси тузилган.

**Жорий йилда 16та қишлоқда эски аналог русумидаги станциялар реконструкция қилиниб, 2816 портдан иборат "Коинот Эл-СГМ" ускуналарини ўрнатиш режаси тузилган.**

Хозиргача 41та шундай қурилма ишга туширилиб, қишлоқлар аҳолиси замонавий телефон алоқасидан баҳраманд бўлдилар. Бундан ташқари, мактаб, коллеж ва аҳоли хонадонларига интернет тармоғини олиб кириш, электрон маълумот узатиш, видео-аудио конференциялар ўтказиш имкони пайдо бўлди.

Вилоят аҳолисига филиал томонидан юқори тезликдаги интернет хизмати (ADSL) кўрсатила бошлаганига кўп бўлмасада, айни пайтда 2277 нафар абонент бу хизмат туридан фойдаланмоқда. Рақам ва тахлиллар шунини кўрсатадики, қўшимча хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, уни ҳаётга кенгрок татбиқ этиш давр тала-

би бўлиб қолмоқда. Қўришиб турибдики, қўшимча хизмат кўрсатиш нафақат даромад, балки қўшимча иш ўринлари яратиш, мижозларга хизмат турларини кўпроқ таклиф этиш орқали

беҳуда овозгарчиликларнинг олдини олиш, шу аснода АКТни жорий этишни ривожлантириши билан ҳам аҳамиятлидир. Замонавий тезкор технологиялар оғиримизни енгил, мушкулмизини осон қияпти. Қисқа вақт ичида дунёнинг исталган нуқтасидан истаганча маълумот олиш имконияти яратилмоқда. Тезкор ахборот алмашуви йўлга қўйилган. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ ёки муаммо йўқ. Бу жараён мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида изчил амалга оширилаётганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилда Alcatel S-12 станцияларини NGN технологияси талабига жавоб бера оладиган MSAN телекоммуникация қурилмаларига алмаштириш кутилмоқда. Китоб, Шаҳрисабз ва Муборак туманларида аҳолига кенг полосали абонентлар сонини ошириш учун FTTx технологияси олиб келинмоқда. Бундан ташқари, 8та туман марказида Ягона ойна тамойили асосида янги савдо нуқталарининг фаолият кўрсатиши йўлга қўйилади.

Аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, ахборотлаштириш асида халқимизнинг талаб-истакларини қондириб, уларни сифатли алоқа хизматидан баҳраманд этиш кундалик вазифа бўлиб қолаверади.

**Зафар БОЙМИРОВ,**  
"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали бўлим бошлиғи,  
**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## ФАКТ

2011 йилда Хитойнинг Huawei компанияси етказиб берилган ускуналар бўйича жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олди. GSA (Global Mobile Supplier Association)нинг маълумотларига қўра, 2011 йилнинг 12 октябр ҳолати бўйича дунё бўйлаб 35та LTE тижорий тармоғи мавжуд бўлиб, шундан 18тасида (50 фоиздан кўпроғи) SingleRAN LTE Huawei комплекс ечимидан фойдаланилган.

## Ҳамжиҳатлик ҳикмати

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалининг Сўх телекоммуникациялар боғламаси меҳнат жамоаси Абдуқуддус Шеров раҳбарлигида туман аҳолисига алоқа хизмати сифатини кескин яхшилаш йўлида астойдил иш олиб боришяпти.

Жамоада меҳнат интизоми яхши асосида ташкил этилганлиги, ҳамжиҳатликда иш олиб борилаётганлиги сабаб муаммо ва камчиликларни бартараф этишга, олдини олишга эришилмоқда. Жумладан, ўтган 2011 йилда мавжуд нерал

телефон нуқталарини йўқотишга ҳамда дебиторлик қарзларни камайтиришга, кабел линияларидаги носозликларни бартараф этишга эришилди. Имкон-шароити бор жойларга янги телефон нуқталари туширилиб, талаб қондирилди. Шу ўринда филиал раҳбариятининг тоғолди тумани алоқачиларига кўрсатаётган ёрдамини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Мижозлар бўлими янги компьютер воситаси билан таъминланган. Ҳисоб-китоб ишлари пластик картчакаси орқали амалга оширилиши мижозларга қулайлик яратяпти. Қўшимча хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, 2012 йилда интернет хизматини икки бараварга кўпайтириш режалаштирилган.

Биринчи чоракда туманга "ЎзМобайл"

филиали алоқа хизматларининг кириб келиши кўзда тутилган. Натижада тумандаги энг чекка қишлоқлар аҳолиси ҳам тизим хизматидан баҳраманд бўлади.

Боғламада ўз касбининг фидойиси бўлган инсонлар кўпчилигини ташкил қилади. АТС муҳандиси Абдусалом Жўраев, электромеҳаниклар Ҳакимжон Муродов, Масъуд Ҳамроалиев, кабел пайвандловчи Алижон Тоштемиров, Восит Қобилов, Абдусалим Набиев, Фаррух Мелиев, мижозлар бўлиmidан Бибиҳон Исмоилова, Ҳисрав Шеров, Ашуралӣ Сангинов, бош ҳисобчи Бобожон Кодиржонов ҳамда Ҳакимжон Субхоновлар ана шулар жумласидандир. Улар боғламада эришилаётган ютуқларга салмоқли ҳисса қўшаётдилар.

**Асқарали АНБАРЖОНОВ**  
Сўх тумани



# Эл деса Навоийни...

Юртимиз бўйлаб буюк шоир Алишер Навоийнинг пок номи хотирланаётган, бобомиз амалга оширган кўплаб эзгу ишлар, дунё ахлининг китоб жавонидан жой олган юзлаб асарлари ҳақида фахру ифтихор билан сўзланаётган шу табаррук кунларда Тошкент алоқа касбхунар коллежида ҳам тadbир ўтказилди.

Халқимизнинг шон-шарафига айланган улуғ сиймо таваллудининг 571 йиллигига бағишланган ушбу тadbирни коллеж директори Файзулла Афзамов очиб, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхтади. — Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси сессиясида Навоийни яна ҳам кенгрок ўрганиш, унинг асарларини халқимизга содда ва тушунарли тарзда етказиш зарурлигини уқтиргандилар. Ҳақиқатан ҳам Навоий шахсияти, асарларининг ёшларимизни маънавий етук, ҳар жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялашдаги ўрни бениҳоядир.

Навоийнинг буюкчилиги нимада? Нима учун унга қайта-қайта мурожат этамиз? Навоий умрини халқ ва юртга бағишлади. У шоир, адабиётшунос, донишманд, тарихчи, тилшунос, ўзбек адабий тилига асос солган илм-фан ҳомийси, донишманд, улкан санъаткордир.

Бугунги кунда Навоий меросининг янги қирралари, диний-та-

саввуфий моҳиятига янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Асарларининг тўлиқ нашри тайёрланиб, қайта-қайта чоп этиляпти. 2012 йил шоир таваллудининг 571 йиллиги муносабати билан ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Навоий фаолияти ва меросини ўрганишда замондошларимиз, ёзувчилар ва ёшларимиз — ҳаммамиз бирдек масъулмиз. Алишер Навоий бутун кучини халққа, Ватанига хизмат қилишга, илм-фан, санъат ва адабиётнинг ривожига бағишлаган. Унинг ўлмас асарлари дунё халқларига маънавий озуқа бўлиб хизмат қилаётган экан, бу улуғ инсон ҳаёти ва ижодини ўрганиш, бетақрор асарларидан ҳаётдаги мушкул ва қувончли

ҳолатларда фойдаланиш, сабоқ олиш ва амал қилиш, бизнинг бурчимиз ва вазифамиздир.

Шундан сўнг коллеж талабалари Навоий ғазалларини ифодали ўқидилар. Айниқса, русийзабон гуруҳлар талабалари томонидан ўқилган монолог ва шеърлар барчани мамнун этди.

Талабалар томонидан тайёрланган сахна кўринишларини томоша қилган меҳмонлар бир зум ўзларини Навоий даврига тушиб қолгандек хис этдилар.

Тadbир сўнггида коллеж директори Файзулла Афзамов улуғ сиймо таваллуд кунига бағишланган кечага катта тайёргарлик кўрган барча талабаларга миннатдорчилик билдирди ҳамда коллеж маъмуриятининг фахрий ёрликларини тошпирди.

Муборак МИРКАМОЛОВА



Ҳазрат Навоий геъдуларку...

Оғами эрсанг, демасил оғами,  
Ониқим ўқ халқ аамугин аами.

## Даҳолар абадиёти

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида ўзбек мумтоз адабиёти асосчиси, улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.

Унда Бухоро Давлат университети олимлари — филология фанлари докторлари Нодира Афқоова ва Илхом Ганиевлар "Хамса" ва бошқа нодир асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига мислсиз хисса қўшган Навоий ижодининг ҳаётбахшлиги ва умрбоқийлиги хусусида батафсил сўз юритдилар. Тadbир доирасида ахборот-кутубхона маркази ходимлари томонидан ташкил этилган ғазал мулкнинг султони китоблари кўргазмаси ҳам буюк шоир мухлислари билан гавжум бўлди. Тadbир иштирокчилари "Навоий — миллат фахри, гурури", "Миллий адабиётимиз кўзгуси" мавзуларида бир қатор маърузаларни тинглаб, Бухоро Давлат университети ўзбек филологияси факултети талабалари томонидан намойиш этилган "Шеърят осмонининг куёши" адабий композициясини ҳам томоша қилдилар.

Худди шундай тadbир вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан институт директори Амрулла Сафаров, олимлардан Хамид Незьматов, Маҳбуба Раҳмонова, Бухоро Давлат университети профессори Дармон Ўраева ва бошқалар Алишер Навоийнинг оила, таълим-тарбия борасидаги қарашлари бугунги кунда ниҳоятда долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этишини, буюк шоир даҳоси ҳамма замонлар учун ибрат ва намуна мактаби бўлиб қолишини таъкидладилар.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Шоир, муаррих, рассом, хаттот, меъморлар шу буюк кўёсимон зот соясида камол касб этганлар. Мир Алишер Навоий шогирдпешалиги билан машхур эди. Ёшлардаги истеъдодни таниш ва эътироф этиш, табиий қобилият, рағбатлангириш, гоёвий етуклик ва маҳоратни ўстириш доимий диққат-марказида бўлган. "Мажолис ун-нафоис", "Хамса ун-мутахаййирин", "Маҳбуб ул-қулуб", "Тарихи ҳуқом", "Насойим ул-муҳаббат" каби қатор асарларида бу масалалар ўзининг ёрқин ифодасини тошган.

## Шеърятни англаш бахти

Навоийнинг мусика амалиётинан ижод этганларини ҳамма ҳам билвермайди. Ҳазрат Навоий мусика илмидаги устозлари Юсуф Бурхон ва Абдулла Марваридни ҳаминша қўллаб-қувватлаб турган, унда зўр таълим олган дейдилар. Захириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"сида "Алишербек яна мусикида яхши нималар боғлабди. Яхши нақшлари, пайравлари бордир" деб ёзган. Ҳа, буюк мутафаккир мусиқий асарларининг баъзилари бизгача етиб келганлиги ҳақида тахминлар бор...

ТАТУ Фарғона филиали доценти, филология фанлари номзоди Набижон Солневнинг маърузасида даҳо шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти талқини, тадқиқотчи олимларнинг бу борадаги изланишлари ҳақида сўз борди.

9 феврал — Алишер Навоий таваллуди кунини "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали мажлислар залида "Навоийни англаш саодати" мавзусидаги маънавий-маърифий тadbирда ТАТУ Фарғона филиали доцентлари — фалсафа фанлари номзоди Гулнора Кўчқорова ҳамда

иктисод фанлари номзоди Гулжаҳон Маҳмудоваларнинг Навоий бобомизнинг демократик қарашлари, адолатпарварлик, виждонлилик, поклик, меҳр-шафқатлилик қадриятларини сайқал топтиришга қўшган улкан хиссаи ҳамда иктисодий тафаккур ҳақидаги суҳбатларидан ҳам улуғ аждодимизнинг ижодини теран ўрганиб, ибрат ва сабоқлар олиб яшаш нақадар фараҳли эканлиги аён сезилиб турди.

ТАТУ Фарғона филиали талабалари Дилдорахон Эшимова ҳамда Ойжаҳон Дергачовалар баланд оҳангларда Навоий ғазалларидан ўқишганда кўнгишлар чаровон бўлди.

Дарҳақиқат, олимлар билан учрашув иштирокчиларда унутилмас хотиралар қолдирди. Кундалик иш ва рўзгор ташвишлари ўрнини энг нафис, энг гўзал туйғулар тўлдирди. Чехраларни Навоийни англаш секинчи ёритиб юборгани қандай соз. Ҳар биримиз тadbирдан муносиб ҳаёт сабоғини олиб, янада олижаноброк, янада бахтлирок бўлиб қолган бўлсак, не ажаб!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида буюк мутафаккирларимиз Алишер Навоий ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд айёмларига бағишланган "Комилликка чорловчи маънавий мерос" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманин "Ўзбекино" миллий агентлиги вилоят бўлими бошлиғи Ғ.Абдуллаев очди. Талабаларга Навоий ҳамда Бобур ижодий мерослари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилди.

Н. АЗНАБАЕВА,  
Анджон вилояти  
АКМ директори ўринбосари

Анджон гарнизони тасарруфидаги 53765-А харбий қисмда ҳам Алишер Навоий таваллудига бағишлаб "Навоий назмига эъзо" мавзусида хотира соати ўтказилди.

Тadbирни харбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Ж.Бозоров очиб, харбий қисм ва АКМ билан олиб борилаётган ҳамкорликдаги ишлар ҳақида сўз юритди. Андижон Давлат университети катта ўқитувчиси Қ.Шаҳобов Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига кенг тўхтаган экан, буюк бобоколониимизнинг бизга қолдирган адабий ва илмий меросидан нафақат юртимиз ёшлари, балки унинг ижодига катта қизиқиш билан мурожат қилиб келаётган бутун дунё китобсеварлари ҳам маънавий озуқа олаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Н. ЙЎЛДОШЕВА

Алишер Навоий таваллудига 571 йил тўлиши муносабати билан Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида китоб байрами ўтказилди. Байрам "Навоий навоси — миллий руҳ давоси" мавзусидаги китобхоналар анжумани билан бошланди. Анжуманда "Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида" маърузалар ўқилди. Навоий ғазалларидан баҳру байт АКМ фаол китобхоналари, шоир асарлари асосидаги сахна кўриниши НДПИ қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчилари, Навоий шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан "Назм ва Наво" бадий қисми намойиш этилди.

Ш. БАҚОЕВА,  
Навоий вилоят АКМ директори ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ахборот технологиялари фани ривожига, республика фани ва олий таълимнинг долзарб назарий ва татбиқий муаммоларини ишлаб чиқишга ҳамда илмий-педагогик мутахассисларни тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшган атоқли олим Жўра Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВ муборақ 85 ёшга тўлди.

### Ёшлик шижоати

Жўра Абдуллаев 1927 йилнинг 21 февралда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Унинг ёшлик чоғлари Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларига тўғри келди. 1934-1944 йилларда Хўжа Аҳрор Валий жомеъ масжидида жойлашган 41-мактабда хат-саводини чиқарди. "Махалламиздаги болалар билан



Жўра АБДУЛЛАЕВ:

барчамиз спортга жуда кизиқардик, — дея болалигини хотирлайди Жўра ака. — Футбол ўйини жону дилмиз эди. Махаллараро футбол мусобақаларини ўтказардик. 1941 йилнинг май ойида қўшни махалла футбол жамоаси билан шундай беллашув ўтказдик ва бу охириги мусобақамиз бўлиб қолди. Чунки шундан сўнг барчамиз ота-оналаримизга ёрдам бериш учун турли меҳнат жабхаларига йўл олдик".

1944 йилнинг июн ойида Тошкент йўловчи паровозлари депосида паровоз ўтёкари (кочегар) сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган Ж.Абдуллаев ёшларга хос куч-ғайрат билан ишга киришиб кетди. Депо қошидаги махсус икки ойлик курсда ўқиб, гувоҳномага эга бўлди, паровоз ва дизел-поезд машинисти ёрдамчиси вазифасида ишлади.

### Илм йўлида бир умр собит

1948 йили Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)нинг энергетика факултетига ўқишга кирди. Талабаник йилларнинг бирор кунини ўқиб-ўрганисиз ўтмади, бўш вақтларида борар жойини фақат кутубхоналар бўлди. Буларнинг барчаси бежиз кетмади, албатта. 1953 йили институтни "Реле муҳо-

фазаси ва тизим автоматикаси" мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлаб, муҳандис-электрик мутахассислигига сазовор бўлди ва аспирантурага тавсия этилди. Бир йил-

— Рафикам Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ботаника институтида чўл ўсимликлари физиологияси тадқиқоти устида илмий ишлар олиб борган. Эллик йилдан ортқ бирга яшаган бўлсак, бирор марта ўртамизда келишмовчилик ёки тушунмовчилик келиб чиқмаган. Бунга сабаб биз бир-биримизни тўлдириб яшадик, бир-биримизни қўлаб умр кечирдик.

дан сўнг Ж.Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти аспирантурасига қабул қилинди ва Москва Фанлар Академиясининг Автоматика ва телемеханика институтига мақсадли аспирант сифатида юборилди. Институтнинг "Телебошқарш" лабораториясида илмий изланишларини бошлаб юборди.

— Тақдир менга Москвада икки зарбдаст олим — Фанлар Академияси муҳбир аъзолари раҳбарлигида тахсил олиш бахтига мушарраф этди, — дейди Жўра Абдуллаевич. — 1958 йилда Михаил Гаврилов раҳбарлигида "Тарқоқ иккунли тизимларни телемеханизациялаш тамойиллари" мавзусида номзодлик диссертацияни ёзган бўлсам, 1973 йили Борис Сотсков маслаҳатчилигида "Ўлчов ахборотларига башорат билан ишлов бериш назарияси ва уни техникавий масалаларни ечишда қўллаш" мавзусида докторлик ишмини муваффақият билан химоя қилдим.

1960 йилда домла Энергетика ва автоматика институтида "Телемеханика ва ахборот техникаси" лабораториясини ташкил этди ва кўп қиррали илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Домланинг республика алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тараққиёти йўлидаги илмий изланишлари ва соҳага малакали кадрлар тайёрлашдаги саъй-ҳаракатлари ҳам тахсинга лойиқдир. Унинг кенг қўламли ташкилотчилик, педагогик ва раҳбарлик истеъодиди 1976 йилдан Тошкент электротехника алоқа институтига раҳбарлик қилиши давомида яна бир қарра амал-

да ибобланди. Бу ерда илмий тадқиқотларни қайта ташкил этиш ва амалга оширишга эришди, назарий, илмий-услубий ва жамоатчилик тадқиқотлар тараққий этди. Хусусан, "Дискрет ахборотни узатиш асослари" ва "Юқори аниқлик алоқа тизимлари" махсус курсларини қайта ташкил этди ва талабаларга шу фанлардан дарс берди.

Саноат ва алоқа тизимларининг ривожига дискрет техниканинг келажак аҳами-

ларнинг яхши ўқиши ва интизоми учун тақдирлаш тadbирлари қўлланилди. Виллят алоқа бошқармалари ходимлари билан учрашувларда талабаларга мукофотлар ва турли совғалар тоштириш, ота-оналар билан учрашувлар ташкил этиш аниқанага айланди. Бу тadbирлар талабаларнинг ўз уйи, тумани ва вилоятга меҳрли, она Ватанга содиқ фарзанд бўлиб етиштириш учун хизмат қилди. Ёшларни маънавий ва маърифий соҳаларда тарбиялашдаги бу усул ва тadbирлар сўнгги йиллар давомида университетда замон талабларига мос равишда ривожланмоқда.

# Илму урфон дарғаси

### Оила мустаҳкамлиги — ҳамфикрликка

Саксон беш ёш! Саксон беш йил ҳаёт сўқмоқларида фақат ва фақат илм излаб, илм қилиб, шу орқали Ватани тараққиётга, халқи фаровонлигига залворли ҳисса қўшиб яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган олий саодат. Академик Жўра Абдуллаев ўзинга шундай бахт насиб қилганидан доим шукронада. Тақдир биология фанлари номзоди, айни дамда 82-баҳорини қаршилаётган Саботхон аядек умр йўлдошини рўбарў қилганидан, иккаласи ҳам босиб ўтилган умр йўлларида ҳамфикр, маслакдош бўлганидан беҳад мамнун. Пиру бадавлат бу жуфтлик уч нафар қизини тарбиялаб қаторга қўшилди. Уччаласи ҳам ота-оналари изидан боришди, ўқинди, илм қилишди, фан номзодлари даражаларини олишди. Знёллар оиласида камол топаётган саккиз невара, уч эвара ҳам илмга ошно бўлиб воёга етиши табиий, албатта.

— Рафикам Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ботаника институтида чўл ўсимликлари физиологияси тадқиқоти устида илмий ишлар олиб борган, — дейди Ж.Абдуллаев. — Эллик йилдан ортқ бирга яшаган бўлсак, бирор марта ўртамизда келишмовчилик ёки тушунмовчилик келиб чиқмаган. Бунга сабаб биз бир-биримизни тўлдириб яшадик, бир-биримизни қўлаб умр кечирдик. Тез-тез узок юртларда сафарларда бўлишимга тўғри келди, турмуш ўрғовим ҳам тадқиқоти юзасидан чўлларга чиққан вақтлар кўп бўлган, биримиз йўқ бўлсак иккинчимиз оила масъулиятини исқиланмай елемизга ола олдик. Чунки ўртамизда доимо ишонч бўлган, садоқат ва ҳамфикрлик бўлган. Шу хислатлар муҳассам оила доимо мустаҳкам бўлишни бизнинг умр йўлларимиз ибоблаб берди...

Академик Ж.Абдуллаев айни дамда ҳам "UNICON.UZ" ДУҚда назарий тадқиқотлар билан банд. Саксон беш ёшингиз муборақ бўлсин, Устоз!

Сумножон ЙЎЛДОШЕВ,  
"Xabar" муҳбири

## Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали жамоаси филиал почта алоқасини ташкил этиш бўлими бошлиғи Фуломжон ХАМРАБОЕВни муборақ 50 ёши билан самимий табриклаб, унга сўхат-саломатлик, узок умр, фарзандлари роҳатини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали жамоаси филиалнинг етакчи мутахассислари Сайфиддин ШОСАЙДОВ ҳамда Гофир ҚЎЛДОШЕВларни тугилган кунлари муборақати билан табриклайди. Уларга сўхат-саломатлик, узок умр, бахт-саодат тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси ўзларининг 55 баҳорини қарши олаётган Водил, Яйлан, Бавдод почта алоқаси тармоқлари ходимлари Абдулхамид РАҲМАТОВ, Мансурхон АЛИЕВ ҳамда Юсуфжон ҚЎЛДОШЕВларни таваллуд айёмлари билан чин дилдан қутлайди. Уларга сўхат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси Тахтақўпир телекоммуникациялар боғламаси ходими Бахтигул ЖАКСИЛИҚОВА ва кабел-пайвандловчи Жанабай ҚУЛМУРАТОВни муборақ 50 ёшлари билан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлари бахту иқболни кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар ҳамда Олтиариқ телекоммуникациялар боғламалари ходимлари Раҳматжон ИСЛОМОВ ҳамда Тоҳиржон ТОШМАТОВларни 50-баҳорлари билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

SPORT XABARLARI

Бокс

Венгриянинг Дебрецен шахрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди. Мазкур халқаро турнирда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Туркия, Корея, Буюк Британия, Швеция, Финляндия, Озарбайжон каби дунёнинг 20га яқин давлатидан келган 114 нафар чарм кўлқоп усталари ғолиблик учун баҳс юритдилар. Ўзбекистон терма жамоаси асосан ёш спортчилар билан иштирок этганлигига қарамай, 3та кумуш ва 1та бронза медалига сазовор бўлди.

Шахмат

2012 йилнинг 5-15 март кунлари Тошкентда Ўзбекистоннинг биринчи гротсмейстери Георгий Агзамов хотирасига бағишланган 6-халқаро шахмат мусобақаси ўтказилди. Унда жаҳоннинг номдор шахмат усталари ҳам иштирок этади.



Теннис

Теннис бўйича Ўзбекистон термаси Девис Кубогининг биринчи раунди доирасида Янги Зеландия жамоаси устидан 3:2 умумий ҳисоби билан ғалаба қозонди.

Футбол

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларидagi ўқув-машғулот йиғинида Филиппин миллий терма жамоаси устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ўйиннинг 12-дақиқасида Кенжа Тўраев ҳисобни очган бўлса, қолган икки голга Иван Нагаев муаллифлик қилди.



Ўзбекистон футбол федерацияси ўзбек футболнинг 100 йиллик юбилейини нишонлаш бўйича тadbирлар режасини тасдиқлади. Унга кўра, йил давомида бир катор тadbирлар ташкиллади.

"Нефтчи" 18 феврал кuni ОЧЛ саралаш плей-офф финал раунди доирасида БААнинг "Аш-Шабоб" жамоасига қарши майдонга тушади. Ушбу ўйин ғолиби ОЧЛ "D" гуруҳи иштирокчисига айланса, имкониятни бой берган жамоа курашни ОФК Кубогида давом эттиради.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг 22 ёшлилар ўртасидаги Осиё кубоги саралашидagi рақиблари маълум бўлди. Унга кўра, вакилларимиз Иордания, Яман, Бангладеш ва Непал ёшлари билан биргаликда "D" гуруҳида жой олди.



— Ҳурматли тахририят ходимлари. Кейинги пайтларда мерос билан боғлиқ кўплаб саволларга дуч келяпмиз. Шу боис севимли газетамизда мерос ва меросхўрлар ҳақидаги маълумотлар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Боғдагул ва Латофатхон ҚАРШИЕВА  
Сурхондарё вилояти, Ангор тумани

# Мерос таркиби нима, меросхўрлар ким?

Фуқароларимиз Давлат нотариал идораларига меросни қай тарзда расмийлаштириш кераклиги ҳақида сўраб мурожаат қилишади. Меросни расмийлаштириш тартиби, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг бешинчи бўлими — "Ворислик ҳуқуқи" билан тартибга солинади. Ушбу бўлим ўз ичига 4та боб ва 45та моддани қамраб олган.

Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг миқдорини белгиланма, шунингдек, Фуқаролик кодексига белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

## Мерос таркиби

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига кирди. Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар: юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса; ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун тоvon ундириш ҳуқуқи; алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар; меҳнат ва иқтисодий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи; мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига қирмайди. Мерос қолдирувчининг тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар тоmonидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

## Мероснинг очилиши

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд тоmonидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос қолдирувчининг ўлган кuni (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарори бўлганда кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади. Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календар сутка (ийтирма, ўлрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос улар

нинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка қақрилади.

## Мероснинг очилиш жойи

Мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

## Меросхўрлар

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тутилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Мерос очилган пайтда тузилб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олунч шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, тунишган қариндошларга тенглаштирилади. Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этгандан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар. Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этгандан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар. Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

Мерос қолдирувчининг охириги яшаган жойи МДХга аъзо давлатлар ёки бошқа чет эл давлатларидан бирида бўлган тақдирда, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан нотариус мерос очилган жой бўйича нотариал идорага мурожаат этган меросхўрлар доирасини тек

шириб, мерос қилиб қолдирилган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган жойи бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беради. Мерос қолдирувчининг охириги яшаган жойи МДХга аъзо давлатлар ёки бошқа чет эл давлатларидан бирида бўлган тақдирда, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан мерос қилиб қолдирилган кўчар мол-мулкка нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос қолдирувчининг охириги яшаган жойи бўйича берилади.

Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатлари тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, тузилганлиги ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгилловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Давлат нотариуси меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришда қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

- 1) Мерос қолдирувчининг йлим ҳақидаги гувоҳномаси.
- 2) Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар.
- 3) Мерос қолдирувчига тегишли бўлган мерос мулкларининг ҳужжатлари.
- 4) Мерос қолдирувчининг доимий рўйхатда туриб яшаган манзилидан маълумотнома.
- 5) Уй дафтари ёки 17-шакл.
- 6) Мурожаат қилган фуқаронинг шахсий тасдиқловчи ҳужжати, яъни паспорт, шунингдек, иш жараёнида бошқа ҳужжатлари ҳам талаб қилиши мумкин.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганда ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганда ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Шахло КўЧИМОВА,  
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани  
1-Давлат нотариал идораси нотариуси

## Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси филиал назорат-таҳлил бўлими мутахассиси

**Ғоширжон АБДУСАТОРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси жамият директори-нинг биринчи ўринбосари Хатира Таджибаевага волида мухтарамаси

**ТАСТАН** аълининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб-а уюшмаси қўмитаси жамоалари "Ўзбектелеком" АК "ТТТ" филиалига қарашли учинчи бoғлама ходими

**Алишер ЭГАМҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

— Хурматли тахририят ижодкорлари!

Нуробод почта алоқаси тармоғига қарашли Жом алоқа бўлими бошлиғи Ўқтам САТТОРОВ малакали мутахассис бўлиши билан бирга, бадиий ижодда ҳам самарали қалам тебратиб келяпти. Унинг кўплаб шеърлари, ҳажвийлари вилоят ва туман матбуот нашрларида чоп этилган. Ижодкор "Бодом гуллари" шеърый ва "Жом ҳангомалари" ҳажвий тўпламлари муаллифидир. Унинг маъқула газетда чоп этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Х.МАРДОНОВ,

Нуробод почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари

## Мулзам бўлди

Кишлоғимизда тўйлар жуда ажойиб ўтади-да. Хаммаси ҳам тўймисан тўй бўлади. Бир томонда кўпқари, бир томонда кунжут ёвдан тайёрланган қозон-қозон паловхонтўранинг мазасини айтмайсизми? Кишлоқ одамларининг айримлари содда, бироқ хаммаси ҳам ҳазилга мойил, чапани. Лекин баъзи ҳолларда уларни гапининг на ҳазилини, на чинини билмай қоласиз.

Ана шундай тўйлардан бирида ҳазилнинг охири зилга айланаёзган хангома бўлди. Тўйга келаётган бир тўда шиёда одамлар билан ёнма-ён ҳолда Турғунбой исмли хамкишлоғимиз эшак миниб келарди. Тўйчилик эмасми, тўйхона эшиги олдида турган хизматчилардан

бири йигитларга қараб: "Эшакка қаранглар, эшакка" (меҳмоннинг эшагини боғланглар деган мақсадда) деди.

Хизматкор йигитлар хурмат юзасидан Турғунбойнинг олдида пешвоз чи-

мен сенга эшак бўлиб қолдимми? Садқаи одам кет-ей, тилим бор деб хар нарсани валдирайверасаним, қўлга сув куй, эшшак!

Йигит Турғунбойнинг ростакамига аччиқланганини сездю кўпчилик орасида қовун тушириб қўйганини пайқаб, лабини тишлади. Унинг ломим деёлмай қолганидан Турғунбой овозини янада баландлатиб ҳужумни давом эттириб, йигитни кўпчилик ўртасида роса изза қилди.

Шу-шу бўлдию кишлоғимизда тўйларга эшак миниб келганларга қарата маданиятшироқ қилиб, "уловга қаранглар", деб кутиб оладиган бўлишди.

Ўқтам САТТОРОВ

### ALOQACHILAR IJODIDAN

қишиб, эшагини кенг яйловга боғлаб қўйишди. Пиёда келган кишилар орқароқда қолган Турғунбой етиб келгунча тўйхона дарвозаси олдида уни кутиб туришарди.

Салом-алиқни унутиб, қўлига сув қуяман деб обдаста кўтариб турган йигитга қараб Турғунбой жажл аралаш бақирди:

— Нимага мени ҳақорат қиласан,

## Биласизми?

Амазонкадаги энг йирик сув ўсимлиги дилия хисобланиб, унинг барги диаметри икки метрдан ошади. Бу барг битта чақалоқни бемалол кўтара олади.

Энг қадимги дарахт қарағай бўлиб, у АҚШдаги тоғда ўсади, ёши 4900 йилга тенг.

Энг баланд дарахт Калифорниядаги секвойя бўлиб, унинг бўйи 111 метрга етади.

Энг семиз дарахт каштан бўлиб, ёши 3600-4000 йил.



### ЎЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАХАТЛАР

● Бисквитли торт музлаткичада қотиб қолмаслиги учун бисквитни картон қоғога солиб, ёнига бир бўлак олма қўйинг.

● Ловия хушхўр бўлиб пишиши учун биринчи қайнаган сувни тўкиб ташлаб, бошқатдан сув солинг ва унга 3 ошқошиқ ўсимлик ёғи қўшинг. Қораймаслиги учун эса идиш қопқорини ёпмасдан, очик ҳолда қайнатинг.

● Балик хушхўр бўлиб пишиши учун ўсимлик ёғи ва сариённинг тенг миқдордаги аралашмасида қовуринг, пўстлогни қизариб чиқиши учун эса қопқорини ёпмаган ҳолда пишинг.

● Пиёз кўқариб кетмасин десангиз, сақланаётган идишга бир бўлак нон қўйинг. Нон ундаги ортиқча намликни ўзига шимиб олади.

Қадим подшоҳликларнинг бирида ақду хикматда тенги йўқ бир донишманд яшаган экан. Подшоҳ одамлардан унинг таърифини эшитиб, ҳузурига чақиртирибди ва турли мавзуларда савол бериб, билими, фахму-фаросатини синаб кўрибди.

Донишманд подшоҳнинг барча саволларига тўғри жавоб берибди. Бундан кўнгли тўлган подшоҳ уни ўзига вазира қилиб олмоқни ният қилибди ва унинг одоб-ахлоқини ҳам синовдан ўтказмоқчи бўлибди.

— Мен сизнинг донишмандлигингизга тан бердим, — деди подшоҳ. — Ҳақиқатан ҳам билимли, ақлли инсон

экансиз. Энди сизни бирга овқатланишга таклиф қиламан.

Донишманд бу таклифни бажонидил қабул қилибди. Мулозимлар дастурхонни турли ноз-неъматлар билан тўлдирибдилар. Бирин-кетин таомлар келтирилибди. Донишманд подшоҳнинг таклифини ҳам кутиб ўтирмадан ноз-неъматлари, таомларни паққос тушира бошлабди.

Буни кузатиб ўтирган подшоҳ фикридан қайтибди. "Бу одамнинг жуда назари паст экан. Қўз олдимда шундай очкўзлик қилса, менинг кўзимдан йироқда подшоҳлик хазинасини қандай холга келтириши маълум.

### RIVoyAT

## Багнафснинг қисмати



Бундай одам фақат ўз манфаатини ўйлаб яшайди, пировардида ундан эл жабр кўради", деган тўхтамага келибди.

Шундай қилиб, донишманд багнафслиги ва одобсизлиги сабаб вазиралик мартабасидан қуруқ қолибди.

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадulloҳ ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАҲБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.</p> <p>Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.</p> <p>Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигида тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.</p> <p>Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-252 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18314 нусха.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нусулда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 241-91-56</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00.</p> <p>Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>	<p>1 3 4 5</p>